



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 14 ноябрь, № 222 (5642)

Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида давлат мулкни хусусийлаштириш, уни асосан хусусий мулкка сотиш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилиши натижасида 31 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари мулкчилик шаклини ўзгартирди. Хозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган янги ички маҳсулотнинг 82,5 фоиздан кўпроги, саноат маҳсулотининг ва пудрат ишлари ҳажмларининг 90 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасининг деярли барча маҳсулоти иқтисодиётнинг нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашуви, иқтисодиётда давлат иштирокининг камайирилиши ҳамда хусусий мулкчиликнинг роли ва аҳамияти оширилиши истиболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг гоёт муҳим устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, табиий монополияларнинг устуворлиги ҳамда монополияга қарши самарали тартибларни амалга ошириш, ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш, корхоналарнинг ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг, умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириши рағбатлантириш борасидаги ташкилий ва амалий чора-тадбирларни шакллантириш билан боғлиқ кўпгина масалалар ҳамоно ҳал этилмай қолмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган "Рақобат тўғрисида"ги Қонунида назарда тутилган меъёр ва талабларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши катта аҳамият касб этади. Бунда товар ва молия бозорларида рақобатни келтиришга ҳамда устуворлик мавқени сувиестемол қилишга олиб келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка, шунингдек, ноҳалол рақобатни, товарлар (ишлар, хизматлар)нинг нархларини суъий равишда ошириш ёки тушириб юборишни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Бу ишларни фаоллаштириш учун қилинаётган сайё-ҳаракатларни жамлаш, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бўйича ишларнинг бажарилишини таъминлайдиган давлат институтларини янада мустахкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётининг асоси бўлиши давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнининг янада чуқурлаштириш ва хусусий мулкчилик қўламини кенгайтириш, монополияга қарши самарали тартибларни амалга ошириш ҳамда реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш, фонд бозори, хусусан, иккиламчи фонд бозорини жадал ривожлантириш, корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Тугатилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қўйиладиган белгилансин:

хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда ақциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш, давлат мулкнинг хусусий мулк эгаларига сотилишида очиллик ва ошқораликни таъминловчи давлат тасаруфидан чиқаришнинг янги шакл ва усулларини жорий этиш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

энг аввало, ақциядорлик жамиятларининг капиталлашуви ва рентабеллиги ўсишини рағбатлантириш ҳисобига фонд бозори, айниқса, иккиламчи фонд бозорини ривожлантириш, тадбиркорлар ва аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, уларнинг биржа операцияларида фаол қатнашувини таъминлаш, бозор инфратузилмасини янада такомиллаштириш, савдо-ларни электрон шаклда ўтказишга тўлиқ ўтиш чора-тадбирларини тизимли асосда амалга ошириш;

ақциядорлик жамиятларини бошқаришда ақциядорларнинг ва кузатувчи кенгашларнинг

ролини тубдан оширишга, миноритар ақциядорларнинг ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлашга, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари учун ижро этувчи органларнинг ақциядорлар олдидаги масъулиятини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш;

монополияга қарши самарали тартиблар ўрнатиш ҳамда товар ва молия бозорларида рақобат чекланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини амалга ошириш, монополистик фаолиятни чеклаш ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиб бориш;

рақобат муҳитини ривожлантириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитларни шакллантириш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорларида, биринчи навбатда, ички истеъмол бозоридан ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатчиликка чек қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш, жамоат тузилмалари билан яқиндан мувофиқлаштирилган ҳолда истеъмолчиларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш; паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, уларни, биринчи навбатда, янги инвесторларни жалб этиш, модернизациялаш ва технология қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, янги рақобатбардор маҳсулотни ўзлаштириш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодий ночор корхоналарни таркибий қайта қуриш ва функцияларини бажариш, судга ва суд санациясини ўтказиш, банкрот корхоналарнинг ташқи бошқаруви бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-

лантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи органлар, хўжалик субъектлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижроси учун мажбурий ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари этиб белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси; вилоятларда ва Тошкент шаҳрида — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг раисини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари бошқаруви лавозимига тайинлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ҳайъатининг қарори билан, тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

ҳоқимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қўмитага юқлатилган ваколатларга мувофиқ судларга қўриб чиқиш учун киритиладиган давлолар бўйича давлат божи тўлашдан озод этилсин.

6. Икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида" 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сонли (5-банди) бундан мустасно), "Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг номини ўзгартариш тўғрисида" 2005 йил 4 майдаги ПФ-3603-сонли, "Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (7-банди) бундан мустасно) 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сонли фармонлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 13 ноябрь

Давлат
жамиятнинг
маданий, илмий
ва техникавий
ривожланишига
ғамхўрлик
қилади.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 42-моддасидан.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда

Тадбирда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётгани "учинчи сектор" институтларини кенг қўллаб-қувватлашда долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бу эса мамлакатимиз тараққиёти ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ҳаётга самарали жорий қилиш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини химоя қилишда салмоқли ўрин тутмоқда.

ушбу стратегик дастурда белгиланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида", "Ижтимоий концепциясида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётгани "учинчи сектор" институтларини кенг қўллаб-қувватлашда долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Бу эса мамлакатимиз тараққиёти ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини кучайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ҳаётга самарали жорий қилиш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини химоя қилишда салмоқли ўрин тутмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ислохотларнинг фаол иштирокчиси

Маълумки, маҳалланинг ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустахкамлаш, жамиятда аҳиллик ҳамда тотувликни таъминлаш борасидаги кўмаги тобора салмоқли бўлмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Буни "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" танлови ҳудудий босқичларда қатнашаётган фуқаролар йиғинларининг фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур танловга катта тайёргарлик кўрдик, — дейди "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси Абдураҳим Сатторов. — Аввало, август ойида шаҳар ва туман босқичлари ўтказилиб, 281 фуқаролар йиғини орасидан энг муносиблари саралаб олинди. Вилоят босқичида эса уларнинг амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги иштироки, хусусан, бунёдкорлик ишлари қўламини янада кенгайтириш, халқимизнинг бой тарихи ва маънавий мероси, ҳудудларнинг ўзига хос қадрият ва аъёнларини, намунали оилалар тажрибасини омаллаштириш, соҳага тааллуқли қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш билан боғлиқ фаолияти ўрганиб чиқилди.

Яқинда Жиззах шаҳридаги "Ҳамзаобод" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи бўлиб қиритди. Кейинги ўринлар эса Зоминдаги "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Бахмал туманидаги "Бахмал" қишлоқ фуқаролар йиғинига насиб этди. Танловнинг Тошкент вилояти босқичи ҳам баҳсларга бой бўлди. Унда 12 та маҳалла фуқаролар йиғини қатнашди. Ҳакамлар уларнинг фаолиятини ўрганиш асосида иш ҳужжатлари, бу борада қўлга киритилаётган ютуқлар ва йиғин раислари ҳамда фаолларнинг ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани яхшилаш, янги иш жойлари яратиш йўналишларидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратишди. Айни чоғда йиғин фаолларининг билими, савияси, дунёқараши, фикрлаш қобилияти, мулоҳаза юритишига баҳо берилди. Натижада Ангрэн шаҳридаги "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Урта Чирчиқ туманидаги Муқимий ҳамда Зангиота туманидаги Зоирхон Жалилов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари эса кейинги ўринларни эгаллашди.

(Давоми 2-бетда).

Дил сўзи

Инсон қадри улуглиги, манфаатлари устувор саналган мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамиятга эришди.

Кучли ижтимоий химоя намунаси

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги яна бир муҳим амалий қадам бўлди.

Тараққиётимиз моделининг устувор йўналишларидан бири — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечириб келиш учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Илғор ва тежамкор технологиялар

энергетика тизимининг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда



Кейинги йилларда юртимизда энергетика тизимини модернизация қилиш, соҳага илғор ва тежамкор технологияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Модернизация

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ёнлиги-энергетика комплексини жадал ривожлантириш, мустаҳкам энергетика базасини ташкил этмай туриб, бирор бир тармоқни юксалтириб бўлмайди.

Айни пайтда республикамиздаги 10 дан ортиқ иссиқлик электр ҳамда 15 дан зиёд гидроэлектр станцияларида йилига 50 миллиард кВт соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилиб, минглаб километрлик линиялар орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Жумладан, тизимда ҳосил қилинаётган электр қувватининг салмоқли қисми Сирдарё иссиқлик электр станцияси ҳиссасига тўғри келади.

(Давоми 2-бетда).

STANDARD & POOR'S

2012 йил ноябрь ойида

«STANDARD & POOR'S»

халқаро рейтинг компанияси

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банкига

“B+/B”

рейтингини тасдиқлади.

Рейтинг истиқболи

«БАРҚАРОР»



ИПОТЕКА BANK

1890R/1006

28-30 ноябрь
Тошкент
«Ўзэкспомарказ»
«ЎЗАГРОЭКСПО»
VIII Халқаро
ихтисослаштирилган кўргазмаси

- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ
- ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ИЧИМЛИКЛАР

Ташкилотчи:
Тел.: (+99871) 238-94-68.
Факс: (+99871) 238-59-88.
E-mail: agro@ieguzexpo.com
Web: www.ieguzexpo.com

Фермер хўжаликлари ва ишбилармонлар диққатига!

Сизларни қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига оид энг йирик анжуманда иштирок этишга таклиф қиламиз!

Сиз «Ўзагроэкспо» халқаро кўргазмаси орқали мамлакатимиз агросаноатидagi ютуқларни намойиш этиш ҳамда дунёнинг етакчи компаниялари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имкониятига эга бўласиз.

1841R/1269

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

0357/97

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ГОЯЛАРИНИ АНИКЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа гоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибadorликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- Ариза (намуна бўйича).
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.fppd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қavat. Муҳал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА

- _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган гоёвий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- инвестиция таклифи;
- инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи.
- Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
 - номи ва рекузитлари;
 - асосий фаолият тури;
 - асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
- Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
 - корхонанинг номи ва рекузитлари;
 - асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
 - охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
 - умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
 - мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
 - кадрлар потенциали.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 1. Маркетинг:
 - ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишининг прогноздаги ҳажми;
 - дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
 - мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
 - маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
 2. Ишлаб чиқариш:
 - лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
 - зарур бўладиган ходимлар сони.
 3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
 - инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 4. Молиялаштириш:
 - лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
 - объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
 - лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
- Лойиҳани амалга оширишдан қутилаётган натижалар:
 - қутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
 - экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг. долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларида	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Хар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	_____		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун	_____	_____	_____

1829R/1214

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

2012 йил 18 ва 25 октябрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Олий ва ўрта махсус касб-хунара таълимини ривожлантириш маркази балансидаги давлат рақами 01/109НАА бўлган «УАЗ-3303» русумли авомашина 4 000 000 сўмга, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Республика инкассация хизмати» ДУК балансидаги давлат рақами 01/769FAА бўлган «Тико» русумли авомашина 9 000 000 сўмга, давлат рақами 01/273МВА бўлган «Тико» русумли авомашина 10 000 000 сўмга, давлат рақами 01/784FAА бўлган «Дамас» русумли авомашина 24 000 000 сўмга, давлат рақами 01/603МВА бўлган «Нексия» русумли авомашина 17 000 000 сўмга, давлат рақами 01/749EАА бўлган «Нексия» русумли авомашина 24 000 000 сўмга, давлат рақами 01/718EАА бўлган «Нексия» русумли авомашина 18 000 000 сўмга, давлат рақами 01/592ZBA бўлган «Опель Вектра» русумли авомашина 9 500 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357.

«БУХОРО» халқаро аэропорти» ДУК

қуйидаги мотор мойлари, техник суюқликлар ва мойлаш материалларини сотиб олади:

- Prista Diezel 15W-40 мотор мойи;
- Prista Super 15W-40 мотор мойи;
- гидротизимлар учун Prista MMH (P) 46 мойи;
- LM2EP пластик мойлаш материали;
- Brake Fluid DOT тормоз суюқлиги.

Ёнгли-мойлаш материалларини етказиб берувчи ташкилотлар тижорат таклифлари билан мурожаат қилишларини сўраймиз.

Мулоқот учун тел./факс: (8-365) 228-74-91.

1846R/1241

ИНВЕТОРЛАР ДИҚҚАТИГА: ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикаси ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»

манфаатдор инвесторларни ўзаро ҳамкорликка таклиф этади ва қуйидаги банкка тегишли корхоналарни сотишни маълум қилади:

- «Elite Stars Textile» МЧЖ — 100% п/қ йиғирилган ип ва тасма ишлаб чиқариш;
- «Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идиш ва шиша банкалар ишлаб чиқариш;
- «Samarqand Aqua Line» МЧЖ — консерва маҳсулотлари ва тозаланган ичимлик суви ишлаб чиқариш.

Батафсил маълумот олиш ва ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБга мурожаат қилиш мумкин.
Тел.: (+99871) 120-36-04. Факс: (+99871) 120-45-64. uzpsbinvest@gmail.com

1893R/1200

